Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган **1997 йил 2 август, шанба** Баҳоси сотувда эркин нарҳда. № 59 (6955)

Da'vat

Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидоий инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

Ислом КАРИМОВ.

Ibrat

Қувайтнинг «Ал-Бабтин» жамғармаси таъсис этган Имом ал-Бухорий номидаги халқаро конкурсда — УзФА мухбир аъзоси Неъматилла Иброҳимов ғолиб чиқди. Яна бир ибратли жиҳат — ғолиб 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофотни «Умид» жамғармасига топширди.

КЕЧА БАРЧА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ТЕСТ СИНОВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Жавоб варақалари жойланган қутилар ДТМдан махсус қузатувда жўнатилди.



Жавоб варақалари олий ўқув юртига етиб келди.

Нега олий ўқув юртларига кириш учун тест тизими жорий этилди? Аввало адолат учун. Қолаверса, мустақиллик сабаб. Айримларда савол туғилиши мумкин: тестларнинг мустақилликка нима алоқаси бор? Жудаям алоқаси бор-да! Чунки адолатни ўрнатиш учун мустақилликка интилдик. Адолатсизликлар кўп бўлди — миллат ўз заминида камситилди, тарихидан узилди, миллий кадрлар тайёрлашга эътиборсизлик оқибатида олий ўқув юртларига кириш порахўрликка айланиб кетди...

Олий ўқув юртларига кириш учун таниш-билишчилик, порахўрликка барҳам берилиши жамиятда адолатнинг қарор топганлигини кўрсатади. Йилдан-йилга тестлар мукаммаллашиб бормоқда. Дейлик, биринчи йилларда «бу тестларнинг жавобини топиб ёдлаб олиш қийинмас» дейилган бўлса, энди саволларнинг сони кўпайди. Одамларда тестга нисбатан ишонч мустаҳкамланди.

Яна бир гап. Кўпчилик тест ўтказиш жараёни ҳақида маълумотга эга эмас. Шу боис биз бу жараённи кузатиб, эътиборингизга ҳавола қиляпмиз. Албатта, ўзларининг тиғиз ишларига қарамасдан биз — журналистларга шароит яратиб берганликлари учун Давлат Тест маркази директори Муҳсин ака Муҳиддиновга ва тест жараёнида фаол қатнашган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига миннатдорчилик билдирамиз.

Тест синовларига абитуриентлар фақат паспорт бўйича қўйилди.

ТЕСТ... ТЕСТ... ТЕСТ...

(РЕПОРТАЖ)

ЖАРАЁН ТЕСТ МАРКАЗИДАН БОШЛАНДИ

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази билан доимий алоқада бўлиб турдик. Узоқ вилоятларга саволларни жўнатиш бир кун аввал бошланди. Бутун тун ҳеч ким ухламади, тинмади. Бугун тонг саҳарда энг яқин илмгоҳ — Тошкент давлат педагогика институтига охирги қутилар жўнатилди. Шу пайтда биз ҳам репортажни бошладик. Тест маркази ходимлари жавоб варақалари солинган қутиларда махсус ажратилган транспортда ҳуқуқ-тартибот ходимлари кузатувида илмгоҳга олиб жўнашди. Махсус ажратилган хонада тест қутилари илмгоҳдаги Тест маркази ходимларига топширилди. У ердан эса аудиторияларга тақсимланади.

1-ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИДА

Биз Тошкент давлат тиббиёт институти дарвозасидан оёқ оширганимизда қушлар эндигина чуғур-чуғур бошлаб қуёшни қаршилашга тараддуд кўришарди. Саҳар. Бироқ институтнинг сўлим ва салқин сайрбоғлари аро чувалашиб кетган йўлаклари аллақачон гавжумлашиб улгурган. Шошқин-тошқин ёшяланглар, қай бирлари ўз ҳолича, қай бирлари кимларнингдир етовида бугун тест синовлари ўтказиладиган, тиббиёт институти талабалигига талабгорларни саралаб олинадиган узун ва баланд бино томон ошиқишарди. Ҳа, 1 август ҳаяжону қувончга тўла кун. Айниқса, куни кеча минг хаёлу минг бир орзулар билан мактаб партасини тарк этган, олий ўқув юрти талабаси бўлиш ниятида ҳужжат топширган ўсмирлар учун унутилмас кун.

Тошкент давлат тиббиёт институтининг тест синовлари ўтиши тайинлаган биноси атрофи соат миллари етти рақами устида жуфтлашган бир пайтда аллақачон абитуриентлар билан лиқ тўлганди. Ҳамма ёқда хуш бир саришталик, вазминлик ҳукмрон. Ниҳоят, абитуриентлар тест синовлари ўтказиладиган аудиторияларга таклиф этилди. Абитуриент ўсмирларнинг юз-кўзидан ҳаяжон яна бир карра ошди.

Аудитория. Саранжом, озода, тинч-осуда. Бу ерда абитуриент бемалол тест топшириқларини бажариши мумкин. Масъул шахслар талабаликка талабгорларни яна бир карра тест синовларидан ўтиш тартиб-қоидалари билан таништирди. Ўқитувчининг бийрон, ширин тил билан равон тушунтириши, унинг бу вазифани бир неча бор такрорлаётганидан дарак бериб турибди.

Ичкарида тест синовлари, ташқарида эса ичикиб-орзиқиб кутиш лаҳзалари бошланди. Инсоф билан айтганда, узоқ-яқиндан боласининг изидан келган онахон-отахонлар, аммаю тоғалар унчалик кўп эмас. Борлари ҳам сайрбоғ йўлаклари чеккасидаги ўриндиқларда бемалол, хотиржам суҳбатлашиб ўтирибдилар. Илгари, бундан олти-етти йил илгари манзаралар беихтиёр кўз олдимизга келди. Кўкрагига қуша-қуша ордену медаллар таққан, қулида қизил гувоҳнома тутган отахон-онахонлар имтиҳон бўлаётган эшиклар бўсағасини беришмасди. Гўё, боласи эмас, ўзи имтиҳон топширадигандек бақириб-чақиришарди; мақсад — кўкрагу қўлдаги (чўнтакдаги) дастмоялардан фойдаланиб, арзандасини бир амаллаб институтга жойлаштириш бўларди. Шукрки, у кунлар ортда қолди. Лекин ўша замонлар иллати ҳамон онгида илашиб юрганлар ҳам анчагина топилади. Биз шундай бир отахонни эрта тонгдаёқ институт йўлаги бошида учратдик.

Отахон олдинда зиппиллаб бораётган ўспиринга етиб ололмай анчагина толиқиб қолганди. Улар ўртасида унча-мунча жанжалли гап-сўз бўлиб ўтгани шундоққина сезилиб турарди. Секин, имижимида отахонни суҳбатга тортдик.

— Бу кенжа ўғлим, — деди отахон қовоғидан қор ёғаётган, оқ кўйлак, қора шими ўзига ярашиб тушган йигитчага ишора қилиб. — Аммо, қулоқсиз чиқди...

Ўзини андижонлик Йўлдошали Саидов, деб таништирган, соқол-муйлови чиройликкина кузакланган, ҳали хийла бардамгина отахоннинг айтганларини диққат билан эшитдик.

— Ҳа, жа ўжар бу бола, — дерди отахон, — қийналмагин, бирорта домла топиб гаплашай десам, ҳеч кунмаяпти. Ахир, илгари икки акасини ана ўшанақа гаплашиб ўқишга жойлаганман-да.

— Авваллари бошқа замон эди, — деб жаҳл билан гапга аралашди кенжа ўғил. — Шодмонбек Саидов. — Ҳозир бошқача; билими бор бемалол, ҳеч қандай таниш-билишсиз ўқишга кира олади. Ана ўтган йили икки дўстим институтга кириб кетди. Менинг қандай кам жойим бор улардан. Дадам эса... тушунмаяптилар, жуда уялтиряптилар...

Мана, соат миллари 11 рақами устида жуфтлашди. Тест синовларини топшириб чиққан илк абитуриент чиқиб келди. Таниш-билишлар дарҳол уни ураб олишди. Биз ҳам беихтиёр суҳбатга аралашдик.

— Мен — Ғулчеҳра Ҳайруллаева — Жиззах вилоятидан келганман. Тўғриси, бундай катта синовга биринчи дуч келишим.

— Ғулчеҳра, тест саволлари қийинми? «Ахборотнома»да кўрсатилмаганлари ҳам борми?

(Давоми 2-бетда).



Жавоб варақалари абитуриентлар иштирокида ва гувоҳлигида очилди.

Munosabat

ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Яна бир ойдан сўнг мамлакатимиз ҳаётидаги энг улкан байрам — Мустақиллик кунини нишонлаймиз. Бу қутлуғ ва муқаддас сананинг 6 йиллиги ҳақида ўйларканмиз, Мустақиллик ҳаётимизга қандай инъомлар бахш этди, деган фикр «ярқ» этиб хаёлимиздан ўтади. Жавоб аниқ ва кўп: элу-юртга озодлик, тинчлик, тотувлик, ўзлигини англаш, ўзининг дахлсиз ҳудуди, давлати, Қонуни, Давлат рамзлари, Давлат тили, мамлакат тараққиётининг ўзига хос ва ўзига мос йўлига эгалик. Булар — ғуруримиз, фахримиз, ифтихоримиз! Ана шулар туфайли Ўзбекистон Мустақиллигини жаҳон эътироф этаяпти бугун. Эътироф этаяптигина эмас, у эришаётган натижаларга ҳайратланяпти, Марказий Осиёда келажаги буюк давлат яралаётганига ишонч ҳосил қиляпти.

Халқаро ярмарка ва кўргазмаларда «Ўзбекистон олтини», «Ўзбекистон автомобили», «Ўзбекистон самолёти», «Ўзбекистон пойафзали» каби қатор атамалар кўзга ташланаяпти, бу янгиликлар ҳатто ўта тараққий этган мамлакатлар ишбилармонларининг ҳам ақлини лол қилмоқда. Бунинг боиси шундаки, қисқа фурсат ичида мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлини танлашда ҳеч кимдан андоза кўчирмади, юксалишга эришиш учун ҳеч кимдан миллион-миллион қарз олмади, ўз имконияти, салоҳиятига таяниб иқтисодий ривожланишга эришаяпти.

(Давоми 2-бетда).

- **«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди.**

- **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.**

- **1997 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 1, 5, 10 сўмга тенг бўлган янги тангаларни муомалага чиқаради.**

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Ж. Б. Сайфиддинов Ўзбекистон Республикаси молия вазири этиб тайинланди.**

- **Россия ҳукумати Ҳиндистон билан имзоланган шартномага мувофиқ, бу мамлакатда СУ-3 МКИ русумли ҳарбий самолётларнинг иккинчи қисмини етказиб беришга қарор қилди.**

- **Куба пойтахти Гавана шаҳрида жаҳон ёшлари ва талабаларининг «Империализмга қарши бирдамлик, тинчлик ва дўстлик учун» шиори остида ўтаётган фестивалига АҚШ ва Жанубий Корея мамлакатлари норозилик билдиришган бўлса-да, иккала мамлакатдан ҳам 117 мамлакат ёшлари қаторида вакиллар бу анжуманда иштирок этишди.**

МАКТАБ ВА ТАДБИРКОРЛИК

ёки педагог ижодкорлиги ҳақида сўз

2-бет.

МАЪНАВИЯТ КОШОНАСИ

3-бет.

ҲАРАКАТДА БАРАКАТ

Амударё туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалиги (раиси Турсунбой Шержонов) ўз оталиғидаги 49-ўрта мактабга 6 гектар ер ажратиб берганди. Унинг ярмисига жўхори, ярмисига эса маккажўхори экилди. Кузда ҳосил яхши бўлиши кутилмоқда. Ердан олинган даромад мактабнинг ўз эҳтиёжлари учун ишлатилади, ўқитувчилар рағбатлантирилади.

Билим маскани директори Реимбой Қурбонниёзовнинг айтишича, мактабга қўшимча даромад туширишнинг бошқа манбалари ҳам топилган. Мактабда сартарошхона очилди. Бу ерда ўқитувчи ва ўқувчиларга энг арзон нархда хизмат кўрсатиляпти.

Бундан ташқари мактабнинг 30 сотих ўқув-тажриба участкасига ҳам оқ жўхори экиб қўйилган. Мактабнинг давлат банкида ўз ҳисоб рақами очилган.

Тадбиркор мактаб директори келгусида ун тегирмонини қуришни ҳам режалаштираяпти. «Барака ҳаракатдадир» деб шуни айтадилар-да.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ГИМНАЗИЯ ИШ БОШЛАЙДИ.

Чортоқ шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 1-мактабда энди янги турдаги ўқув маскани, гимназия иш бошлайди. Шу мақсадда яқинда шаҳар миқёсида иқтидорли ўқувчиларнинг танлови ўтказилди. Унда 500 ўринга 2,5 мингдан ортиқ даъвогарлар ўз билимларини синовдан ўтказишди. Улар 20 та синфга уч йўналиш бўйича танлаб олинди: ижтимоий фанлар, табиий фанлар ва аниқ фанлар. Гимназияда ўқувчилар 1-синфдан то 11-синфгача таҳсил олишади.

Ҳозирдан бу ерга ишчан ва тажрибали муаллимлар танлаб олинди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗЛАРИ»

Яқинда Булоқбоши туманида шу номда кўрик-танлов бўлиб ўтди. Унда туман мактабларининг билимдон, чевар қизлари лапар, алла айтиш, дастурхон безатиш, каштачилик каби миллий удумларимизни ҳақиқий маънодаги ўзбек қизларига хос тарзда ижро этишиб, барчага хуш кайфият улашди. Айниқса, Дилноза Тўқлиева (1-мактаб), Муқаддас Исмоилова (6-мактаб), Дилноза Эргашева (21-мактаб), Хуршида Ғаниева (14-лицей-интернат)ларнинг кўрсатган маҳоратлари эътироф этилди ва юксак баҳоланди.

Мақсуда РАҲМОНОВА.

«НУРОНИЙ УСТОЗ»

Ушбу уюшманинг илк бора Андижон вилоят ХТБда ташкил этилиши вилоятликларга хос яна бир ташаббуснинг, хайрли ишнинг самараси бўлди.

Уюшма вилоят халқ таълимининг фидойи фахрийларини ўзида мужассам этган. Кекса мураббийлардан Пўлатжон Қаюмов, Содиқжон Маматхоновлар бу ишдан беҳад хурсанд эканликларини таъкидлашди.

Вилоят ХТБ бошлиғи Жўрабой Халилов уюшма аъзоларини бу хурсандчилик билан қизғин табриклади.

Ш.КЕЛДИЕВ.

ММММ

ХАБАРЛАРИ

ТЕСТ...ТЕСТ...ТЕСТ...





Ташқарида ҳам, ичкарида ҳам бир хил ҳаяжон.

(Давоми.Боши 1-бетда)

— Йуқ, ундай бегона саволни учратмадим. Ишқилиб, мактабда яхши ўқиса, тараддуд кўрса, тест саволларининг ҳаммасини тўғри ҳал қилса бўларкан.

Илиқ табассуми, қувноқ гап-сўзлари билан тест синовларидан чиқиб келаётган ёш-ялангларнинг сони тобора ошиб бора бошлади. Ҳаммасида ҳам қониқиш туйғулари ҳукмрон. Ўйлаймизки, бу туйғу уларни ҳеч қачон тарк этмайди.

«ИНЖЕНЕРЛИККА ДАЪВОГАР КЎПАЙДИ»

Тошкент Давлат Техника университетидамиз.

Ёшлар чеҳрасида катталарга хос ўйчанлик, гўёки улар ана шу кун анча улғайишгандек. Нигоҳлар жиддий. Синов! Улар билимини, қобилиятини, энг аввало ўз олдида, ота-онаси, ўқитувчилари, қолаверса эл-юрт олдида биринчи марта жиддий синовдан ўтказишмоқда.

«Ўтган йилга нисбатан бу йил конкурсимиз катта бўлди, ҳатто шартнома билан қабул қилинганларда ҳам конкурс бор, — дейди биз билан суҳбатда ТДТУ ректори Тўлқин ака Миркомилов. — Давлат гранти бўйича бир ўринга 5 киши тўғри келди. Ўтган йили 3 киши эди. Халқимиз юртимизга инженерлар ҳам кераклигини тушуниб етаяпти, чамаси».

ТДТУда яратилган шароит, тартиб бизни мамнун этди. Соат 12 да абитуриентлар бирин-кетин чиқа бошлашди. Ҳар ким ҳар хил кайфиятда, бироқ бир нарсани таъкидлашади — «Албатта, билим керак экан».

РЕПОРТАЖИМИЗ ДАВОМ ЭТАДИ

ГАЗЕТА ЧОП ЭТИЛИШИ АРАФАСИДА. Юқоридаги фикрларнинг барчаси кундуз соат 12.30 гача бўлган воқеалар баёни эди. Шундан сўнг жараён яна Тест марказига кўчди. Соат 18.30 да қолган ахборотларни олдик. Демак, абитуриентлар томонидан тўлдирилган жавоблар варақалари йиғилиб, эрталаб жавоб варақаларни олиб борган ҳуқуқтартибот ходимлари кузатувида яна Тест марказига қайтарилди. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тест жавобларининг барчаси етиб келди. Вилоятлардан ҳам жавоб натижалари кела бошлади. Самолётларнинг учиш вақтига қараб тунги соат 24.00 гача олиш мўлжалланди. Бироқ вилоятларда тест жараёни муваффақиятли ўтганлиги ҳақида хабарлар олинди.

Умуман республика бўйича кундузги ўқиш учун 102000 нафар абитуриент синовда қатнашди. Бу ўтган йилга нисбатан қўпдир. Тест марказидан, шунингдек Фанлар Академияси, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус, Соғлиқни сақлаш вазирликларидан 376 нафар ходим вакил сифатида қатнашди. Уларнинг 216 нафари вилоятларга чиқишди. 6453 нафар (уларнинг 2411 нафари Тошкент шаҳрида) аудитория раҳбари қатнашди.

Буёғи қандай кечади, дейсизми? Махсус оптик электрон қурилмалар орқали жавоб варақалари ўқилади ва компьютер хотирасига ёзилиб балларни ҳисоблашга тушади. Худо насиб этса, бу ҳақда ҳам ёзамиз. Демак, репортажимиз ҳам давом этади.

Ҳ. САИДОВ,
Л. БЎРИЕВ,
Р. БОЙМАТОВ,
Р. ГАЛИЕВ (суратлар муаллифи).

ЎЗБЕК МЎЪЖИЗАСИ

(Боши 1-бетда)

«Дон мустақиллиги», «Нефть мустақиллиги» каби оламшумул аҳамиятга молик амалий ишлар-чи! Буюк келажак дебочаси бўлган бундай далиллар кўп. Бу аниқ ҳаётий рақамлар юксалишдаги дадил одимларнинг исботи!

Куни кеча бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида юртимиз йўлбошчиси Ислом Каримов сўзлаган нутқидаги таҳлилий рақамлар қувончига қувонч қўшади кишининг.

Инсон манфаатлари йилининг ўтган ярим йиллигида:

— ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш учун давлат бюджетидан 63,2 миллиард сўм ёки бюджетнинг умумий харажатларидан қарийб 45 фоизи сарфланди;

— қишлоқ жойларда ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида 38,4 миллиард сўм капитал маблағ ёки умумий капитал маблағлар ҳажмининг 39 фоизи ўзлаштирилди. 3 миллион квадрат метрга яқин уй-жой, шундан 2,8 миллионни қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 1,5 баравар кўпдир;

— бир навбатда 4 минг беморга хизмат кўрсатувчи поликлиникалар, 13,6 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари қурилди.

Булар ва шунга ўхшаш эл фаровонлиги йўлидаги ишлар Мустақилликнинг инсонга ғамхўрлиги намунаси эмасми?! Ўзи учун ғамхўрликни ҳис қилган фуқаро мамлакат тараққиёти учун ҳам фидойилик кўрсатади, албатта. Чунки у Ватан иқтисоди ривожида ўз тақдирини, истиқлолини кўради, келажакка комил ишонч билан боқади, Ватаним ривожига қандай наф бердим, деб ўйлайди. Ана шу ўй эмасми, юртга садоқатнинг, буюк мақсадларга ишончнинг бешиги! Ана шу ўй эмасми, деҳқонларимизнинг миллион-миллион тонна дон хирмонлари уюшга, миллиард-миллиард чаноқларда «оқ олтин» етиштиришга, мевасарой боғларда шакару новвот неъматларни кўпайтиришга ундаган қудратли куч! Ана шу ўй эмасми, мамлакатда ялпи маҳсулотнинг ўсишини ярим йил давомида 3,9 фоизга ошишини таъминлаган инсон омилининг қудрати!

Ҳа, мамлакатимизда иқтисоднинг барча тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсиш таъминланди. Йўлбошчимиз нутқида қайд этилганидек, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги — 22,8 фоизга, транспорт ва алоқа — 1,8 фоизга, пудрат қурилиш ишлари 1 фоизга, чакана товар оборoти 13,5 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 18,1 фоизга ошди. Булар — тараққиёт суръатлари далили! Далиллар эса кечаги — мустақилликнинг дастлабки давридаги инқирозий аҳволдан қандай тез қутулганликни, бугунги кунда МДҲ давлатларининг ҳеч бирида эришилмаган юксалиш Ўзбекистонда бўлаётганини, эртанги куннинг порлоқлигини белгиловчи ишончномадир. Ана шу эмасми, жаҳон ишбилармонларини ҳайратлантираётган Ўзбекистон мўъжизаси!

Мўъжизанинг сири нимада? Жавоб тайин: эски уйни бузмай туриб, янги уйни қуришда! Президентимиз белгилаб берган беш тамойил асосида Ўзбекистон тараққиётнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда! Бозор иқтисодига ўтишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни қатъият билан амалга оширишда! Чет эл сармояларини иқтисодга жалб қила билишда!

Бу ўринда биргина далилни таъкидлашнинг ўзи кифоя, яъни иқтисодиётга жалб қилинган сармоялар умумий ҳажми бугунга келиб 6 миллиард АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Йирик инвестициялар асосан иқтисоднинг устивор йўналишларига жалб этиляпти. Уларнинг самараси эртанги ўзбек мўъжизаси кўзгусида намоён бўлади, албатта. Энди яқин ўтмишда «қизил империя»чилар айюҳаннос солган «ўзбек иши» бўҳтонлари ҳақида эмас, балки тараққиётнинг «ўзбек модели» тўғрисида жаҳонда шов-шув гаплар бўлади. Чунки бу ҳақиқат, мустақил Ўзбекистон халқи нималарга қодир эканлигининг далили!

Эзгу мақсадлар халқимизни озод ва обод Ватаннинг буюк келажагини таъминлаш, юрт салоҳиятини ошириш, миллат шаънини эъзозлаш учун чорламоқда бугун. Шу боис буюк истиқболни яратишга ҳисса қўшиш ҳар бир юртимиз фуқароси учун шон-шараф, муқаддас бурч, келажак олдидаги масъулиятдир. Келгуси авлодлар учун «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» дейишимизнинг ҳам мазмуни ана шунда.

Маҳкам РАҲМОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

Жорий йилимиз катта тантаналарга, учрашувларга бой бўлиши, шубҳасиз. «Инсон манфаатлари йили» аталмиш ушбу қутлуғ йилда мустақиллигимизнинг 6 йиллиги катта тантаналари билан бир қаторда Ўзбекистонда биринчи марта 25 августдан 2 сентябрь кунигача Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказилади.

Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклаш, тарихи минг йилларга бориб тақалувчи нафис мусиқа санъатимизнинг ноёб намуналаридан тингловчиларни кенгроқ баҳраманд этиш, уларни келгуси авлодларга етказиш, ҳар бир халқ, аввало, ўзининг миллий санъатини асраб - авайлаши, равожлантириши, бойитиши лозим. Дунё миқёсида ўзлигини намоён этишда бунинг аҳамияти каттадир.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган бўлди. Фестивални илк бор Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтишига сабаб эса бу фестивални ўтказиш ташаббускорларидан бири билан бир қаторда америкалик, Германия, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Туркия, Франция, Ҳиндистон мамлакатларининг мусиқашунос машҳур санъат арбоблари ҳам бўлади.

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари мусиқа санъатининг муштараклиги» мавзуида халқаро илмий-ижодий конференция ўтказилиши назарда тутилганлиги боис, шу кунларда республика Бадиий академиясида ҳам талай ишлар қилинмоқда. Жумладан, санъатшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари конференция ишида қатнашишга жалб этилган. Шу билан бирга Шарқ мамлакатларидан 50 нафарга яқин Шарқ халқлари мусиқа санъати билимдонлари иштирок этадилар.

Фестиваль ғолиблари учун мукофотлар таъсис этилган. Гран При — бош соврини учун ўн минг АҚШ доллари миқдорида пул мукофоти белгиланган. Ҳар бири 5000 АҚШ доллари миқдорида иккита биринчи, ҳар бири 3500 АҚШ доллари мидқорида иккита иккинчи, ҳар бири 2000 АҚШ доллари миқдоридаги учта учинчи ўринлар учун мукофот таъсис этилган. Фестивалнинг очилишида ҳам саноқли кунлар қолди. Ҳа, фестиваль иштирокчилари ва меҳмонлари анжуман кунлари Самарқандда амалга оширилган ишлар мисолида истиқлол халқимизга нималар берганидан огоҳ бўладилар.

Фотима ИСЛОМ қизи.

Avgust kengashlariga

МАКТАБ ВА ТАДБИРКОРЛИК

ёки педагог ижодкорлиги ҳақида сўз

Ўқитишни ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориш ўқитувчиларимиз учун янгилик эмас. Бироқ мамлакатимиз ишлаб чиқаришида фаолияти тобора кенг тармоқ отаётган ҳозирги даврда ўқитишнинг бу усули узгача оҳанг бермоқда. Дарҳақиқат, бугунги кунда ишлаб чиқариш билан боғлаб ўқитиш маълум маънода тадбиркорлик билан боғлаб ўқитиш ҳам демакдир. Бунинг замирида шубҳасиз, иқтисодий билим, хусусан, тадбиркорлик руҳияти ҳам ётади. Тадбир сузи арабча бўлиб, бирор ишни ёки мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш учун ишлаб чиқилган, пухта ўйлаб тузилган амалий чоралар мажмуи, яъни чора, илож демакдир. Тадбиркор — қўйилган ҳаётий масалаларни ечишнинг энг қулай, энг тўғри ва аниқ йўлларини топа олувчи кишилар сирасига киради.

Биз ҳам ҳаётий масалаларни энг мақбул усуллар билан ечиш мақсадида мактаб бўйича «Ўқувчиларда тадбиркорлик қобилиятларини тарбиялаш» мавзуида иш олиб боришга келишдик. Амалий ишлар учун яқин қўшни тадбиркор хўжаликлар билан шартномалар туздик. Шундан буён мактаб шароити ва ички имкониятини ҳисобга олган ҳолда ҳар биримиз ўз соҳамиз бўйича шу йўналишда иш олиб бораяпмиз. Қуйида шулардан намуналар келтирамиз.

Олий тоифали методист ўқитувчи Эшқул Тожиев «Иқтисодий таълим-тарбияда масштабли фоторасмлар» мавзуида иш олиб бормоқда. Бу иш тажрибанинг мақсади дарс жараёнида олинган назарий билимларни ўқувчиларга яқин таниш объектларга қўлланиш машқларини мунтазам ташкил қилиб боришга қаратилган. Бунда маълумот ташувчи восита сифатида масштабли фоторасмлар яратилди. Унинг моҳияти шундан иборатки, ўқитувчи дарсга тайёрланиш жараёнида дарс мазмунига мос келувчи объектни олдиндан танлайди. Суратга олиш чоғида унинг ёнига узунлиги маълум бирор предмет, масалан, бир метрли юпқа силлиқ тахта ёғоч қўйиб объект билан биргаликда суратга олади. Табиийки, бу белги фотосуратда ўз аксини топади. Шу акси билан унинг узунлиги орасидаги нисбат фоторасмдаги объектнинг табиий улчамларини аниқлаш имконини беради. Бу белги масштаб вазифасини ўтагани боис мазкур фоторасмлар масштабли фоторасмлар деб аталди. Улар воситасида ўқувчилар дарсда олган назарий билимларини шу дарснинг ўзидаёқ яқин таниш объектларга қўллаб, объектнинг табиий улчамлари орқали амалий машқлар бажариш имконига эга бўладилар. Шу сабабдан ўқитувчиларимиз қатор йиллардан буён деярли барча фанлар бўйича шу усулдан фойдаланиб келаётирлар.

Натижалар ёмон эмас. Шу пайтгача ўқувчиларимиз тўртта рационализаторлик таклифини ҳаётга татбиқ қилдилар. Биринчиси, «Ғузани суғоришнинг координата методи» деб номланган ишимиз вилоят агросаноат бошқармаси томонидан плакат шаклида пахтакорлар орасида оммалаштирилди. Иккинчиси, бир қисми ишлатилган плёнка ўрамининг қолган қисмидаги плёнка узунлигини аниқлаш масаласида бўлиб, ҳозирги кунда плёнка остига чигит экаётган пахтакорларга қўл келмоқда. Учинчиси, ёқилги солинган идишда қолган ёқилги миқдорини аниқлаш ҳақида бўлиб, шу соҳа тадбиркорлари эътиборини тортмоқда.

Ҳаётда тадбиркорлик қўлланилмаган бирор соҳа бўлмаса керак. Жумладан, ўқувчиларнинг математик тадбиркорлиги амалий масалалар ечишда ўз билимини усталик билан қўллай олишида ҳамдир. Амалий масалалар эса одатда ҳаётдан, бевосита ўқувчиларга яқин ва таниш иш жараёнидан олинади. Бу ўринда ҳам масштабли фоторасмлар юқори самара бермоқда. Масалан, иккинчи тоифали математика ўқитувчиси Шуҳрат Ражабов олиб бораётган «Ўқувчиларни тадбиркорлик қобилиятларини тарбиялашда амалий масалалардан фойдаланиш» мавзуидаги иш тажрибаси шу хусусдадир. Ўқитувчи дарс жараёнида олинган назарий билимни масштабли фоторасмдаги объектга қўллаб амалий масалалар тузиш ва ечиш машқларини мунтазам ташкил қилиш орқали математикани ҳаётга татбиқ этиш йўлларини жонли мисолларда кўрсатиб бормоқда.

Очиғи, тадбиркор қўйилган масалани ҳал қилишнинг турли йўлларини ўйлаб кўриши керак. Шу боисдан биз битта амалий масалани турли усулларда ечишга кўпроқ эътибор беряпмиз. Натижада масалани турли усулларда ечишга доир битта тўплам яратиб, китобча тариқасида чоп эттирдик. Шунингдек, ўқувчилар билан биргаликда яратилган математик жадвалар тўплами плакат шаклида чиқариш учун нашриётга берилди.

Ўқитувчиларни тадбиркорликка етаклашда яқин таниш манбалардан олинган маълумотлар билан иш тутиш, айниқса, бундай маълумотларни уларнинг ўзлари тўплаши юқори самара беришига ишонч ҳосил қилдик. Масалан, биринчи тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси Муҳиддин Норқулов «Ўқувчиларни тадбиркорликка йўллашда маҳаллий халқ оғзаки ижодиётидан фойдаланиш» мавзуидаги иш тажрибасида ўқувчилар ўзларига таниш кексалардан 200 дан ортиқ халқ оғзаки термалари, топишмоқ, достон ва эртаклар ёзиб олдилар. Муаллим ўқувчилар билан бирга нуроний кишилар овозини магнит лентасига тушириб, ҳаётидан олинган фотолавҳаларни илова қилинган ҳолда қўлёзмаларни муқовалади. Дарс жараёнида улардан самарали фойдаланиб келинаётир.

Ўқитувчи тадбиркор бўлса, шунинг ўзи тарбия. Унинг шахсий намунаси тадбиркорликка етаклаш омилларидан биридир. Биринчи тоифали инглиз тили ўқитувчиси Абдиғани Холмуродов «Иқтисодий терминларни таққослаб ўрганиш» мавзуидаги иш тажрибасида тадбиркорлик қилиб, юқоридаги усуллар билан бир қаторда мактабда қўғирчоқ театри ташкил қилди. У орқали турли тилда сўзлашувлар намойиш этиб, ўқувчилар қизиқишини орттирмоқда.

Ҳозирги пайтда компьютерсиз ўқитишни тасаввур қилиш қийин. Аммо А. Холмуродов «ХАО-І» номли қурилма ясаб, компьютери йўқ мактабларда бу муаммодан чиқиш йўлидан бирини топди. Ҳозир ўқитувчиларимиз бу қурилма ёрдамида тест синовларини рейтинг усулида баҳоламоқдалар. Биринчи тоифали меҳнат таълими ўқитувчиси Жумабой Юзбоев олиб бораётган «Меҳнат машғулотларида тадбиркорлик», биринчи тоифали биология ўқитувчиси Амир Ҳайдаровнинг «Биология дарсларида тадбиркорлик» мавзуидаги иш тажрибалари аниқ мақсадга қаратилган. Улардаги ўқитувчи ва тадбиркорлар ҳамкорлиги ҳамда ишлаб чиқаришда ўқувчиларнинг бевосита иштироки хусусидаги фикрлари, айниқса, эътиборга сазовор.

Иш тажрибаси маълум босқичлардан ўтаётган, кўпгина кўрик ва танловларда муваффақиятли қатнашган, ўз устида жиддий ишлаётган ўқитувчиларимиз ҳам талайгина. Масалан, тарих ўқитувчиси Г. Ҳужақулова «Тадбиркорлик тарихи» мавзуида мактаб музейи ташкил қилмоқда. Б. Олтибоев «Тадбиркорлик ёш рассомлар қаламида» кўргазмаси, С. Суннатова «Иқтисодий терминлар русча-ўзбекча талқини», Б. Алимтаева «Туманимиз иқтисодиёти» мавзуида ишламоқда. Ёш ўқитувчилардан К. Мирзанов, С. Абдуалимова, Н. Сартаева, Ҳ. Муносибова, И. Болиевлар ҳам ижодкор ўқитувчилар изидан дадил келмоқдалар.

Педагогика — бу ижод. Демоқчиманки, мактаб шароити қандай бўлишидан қатъи назар изланган ўқитувчи имкон топади. Умуман олганда, илм масканимизда ижодий муҳит, ўзига хос яратувчилик мактаби бор десак хато қилмаймиз. Бу мактаб ўқитишни ишлаб чиқариш билан боғлашда, ўқувчиларга иқтисодий билим беришда, уларни тадбиркорликка етаклашда, айниқса, тадбиркорлар моддий ёрдамини мактабга қаратишда, мактаб ва ишбилармонлар ҳамкорлигини таъминлашда муваффақиятлар омили бўлаётир.

Эшқул ТОЖИЕВ,
Пайариқ туманидаги 21-мактаб директори,
халқ таълими аълочиси.

Jurnallarning yangi sonlarida

«ТИЛ ВА АДАБИЁТ ТАЪЛИМИ»

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг барча нашрлари ўз вақтида босилиб турганлиги қувончли ҳолдир. Мана, «Тил ва адабиёт таълими» ойномасининг навбатдаги сони ҳам чиқди.

Журналимизнинг ушбу 2-сонида профессор Низомиддин Маҳмудовнинг мақоласи берилган бўлиб, унда ўзбек ва турк тилларидаги фарқли маъноли муштарак сўзларнинг юзага келиш сабаблари кўрсатиб берилган.

Филология фанлари номзоди Тешабой Алиқуловнинг мақоласи ҳам диққатга сазовордир. У метафораларни тасниф қилиш (жонли метафора, эмоционал, генетик ва қиёсий) ҳар бир ҳодисани фарқлаш, маъно сифатида чегаралашга имкон беришини мисоллар билан далиллай олган.

Журналнинг «Методика ва тажриба» рукнида НамДУ катта ўқитувчиси Носиржон Улуқовнинг «Ал—Бухорий ҳадислари асосида экзотизмларни ўрганиш» номли мақоласи берилган бўлиб, унда миллий ва диний руҳни сақлаб қолиш учун таржима қилинмайдиган арабча экзотик сўзлар (тубо, разияллоҳу анҳу) ва уларнинг маънолари изоҳланганки, ундан диний мавзудаги асарларни ўрганишда фойдаланиш мумкин. Бухоро давлат университети ўқитувчиси Назира Қосимова, доцент Сафо Матжон, ПФИТИ тадқиқотчиси Махфират Худойқуловаларнинг изланишлари ҳам ўқитувчиларни синонимлар устида ишлаш, адабиётдан кириш машғулотларини ташкил этиш, ўқувчиларда дўстлик туйғусини шакллантириш юзасидан янгича усуллар билан таништиради.

Шунингдек, журнал саҳифаларида Абдулла Қаҳҳор, Паҳлавон Маҳмуд таваллудига бағишланган мақолалар, жой номлари таъбири, амалий фойдаланиш учун материаллар, тестлар ҳақидаги фикрлар ҳам жой олган бўлиб, дарсликка қўшимча маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир.

Хуллас, тил ва адабиёт ўқитувчилари учун барча билим ва янгиликлар — «Тил ва адабиёт таълими»да. Ундан баҳраманд бўлиш эса — журналхонлар қўлида.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
журнал бўлим мудирриси.

Iqtisodiy bilimearni o'rganamiz

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

ЕВРОВАЛЮТАЛАР, Европа валюталари — бир қатор ривожланган капиталистик мамлакатлар ўз чегарасидан ташқаридаги муомалада қарз ва ҳисоб-китоб ишларида, айниқса, банклараро қарзлар ва транснационал корпорацияларни кредитлашда фойдаланиладиган валюталар. Евродоллар (Ғарбий Европада муомалада бўлган АҚШ доллари) биринчи ва энг кўп тарқалган евровалюта ҳисобланади. Евродоллар каби кейинчалик бошқа евровалюталар — евромаркалар, еврошвейцар франклари, евростерлинглар, евроиеналар пайдо бўлди. Евровалюталар банкнот шаклларида бўлиб, муомалада нақд пулсиз (банклардаги ҳисоб варақаларига кўчириш йўли билан) амалга оширилади. Евровалюталар муомаласининг ялпи ҳажми 1988 йил 3 триллион долларга етди. Унинг 70 процентини евродоллар ташкил этди.

ЕВРОДОЛЛАРЛАР — Европа хусусий банкларидаги доллар жамғармалари; капиталистик мамлакатлардаги ташкилотлар ҳамда хусусий шахслар томонидан АҚШ чегараларидан ташқарида жойлаштирилган (1980 йиллар охирида 800 млрд. доллардан ортиқроқни ташкил этган). Капиталистик давлатлар тўлов балансини тақчиллигини қоплаш, миллий пул бозорини тўлдиришда банклар томонидан кредит бериш орқали фойдаланилади.

ЕВРОПА ВАЛЮТА ТИЗИМИ (ЕВТ) — капиталистик мамлакатлар гуруҳининг Европа Иқтисодий Ҳамжамияти («Умумий бозор») доирасида 1979 йилда ташкил этилган регионал валюта тизими. «Умумий бозор»га аъзо мамлакатларнинг валюта соҳасидаги муносабатларини тартибга солади. ЕВТга Буюк Британия ва Грециядан ташқари Европа Иқтисодий Ҳамжамиятига кирувчи барча мамлакатлар аъзо бўлиб кирган. Европа валюта тизимининг асосий мақсади Европа валюта барқарорлиги зоналарини яратиш, келажакда эса АҚШ долларининг ҳукмронлигига қарши тура оладиган, Ғарбий Европа мамлакатларининг ўзаро ҳисоб-китобларида уни сиқиб чиқарувга қодир бўлган ўз валюта бирлигини (ЭКЮ)ни вужудга келтиришдан иборат эди. ЕВТ доирасида ҳисоб-китобларни амалга оширишга техник жиҳатдан кўмаклашув Базель (Швейцария) шаҳрида жойлашган Халқаро ҳисоб-китоблар банки томонидан бажарилади.

(Давоми бор)

КИТОБГА ОШНО КЎНГИЛ

Олтин китоб

Италияда 2000 нусхада чоп этилган «Инсоният йўли» номли китобда муаллифлар тош асридан то бугунги кунга қадар эришилган умуминсоний ютуқларни қаламга олганлар. Бу — ростдан ҳам олтин китоб бўлиб, унинг ҳар бирига 100 грамм тилла ишлатилган. Японияда ихтиро этилган асбоб ёрдамидагина ана шундай жуда юпқа ва қайишқоқ олтин варақ олишга эришилди. Саккиз тилда нашр этилган 60 бетли китобга дунёнинг машҳур кутубхоналаридан буюртмалар қабул қилинмоқда.

Кўҳна давра, кўҳна китоб...

Самарқанддаги қўҳна Афросиёб қалъаси деворларига ишланган расмлар тўғрисида эшитгандирсиз. VII асрга оид суратлардан бирига гилам устида суҳбатлашиб ўтирган бир гуруҳ кишилар тасвири туширилган. Бу баҳс-у мунозара бўлса керак, чунки улардан бири қўлтиғига китоб қистириб олган! Бебаҳо санъат асарларини ишлаган суғд усталари— олис авлодлар китобни унутмасинлар, дея ўйлаган бўлсалар не ажаб.

Меҳмондўст китоб

Берлин шаҳар марказига май ойида қўйилган «Фахрий меҳмонлар учун» номли китоб бетиним меҳмонлар кўнглини овлаш билан банд. Чунки исталган киши беш марка тўлаб баландлиги 4,5 метр, 1300 варақли китобда ўз имзосини қолдириши мумкин. Уддабурон ташкилотчилар октябрь ойигача 1,5 миллион имзо тўплаб, «меҳмондўст» китоблари билан Гиннеснинг рекордлар китобига кириб қолмоқчилар. Ҳозирнинг ўзидаёқ 700 минг ишқибоз имзо қўйишга улгурди. Шундай экан, бу ёгига бир қадам!

Темиртан китоб

Габрово шаҳридаги Сатира ва юмор музейида антиқа китоб сақланади. Унинг ҳажми 16х20 сантиметр бўлса-да, оғирлиги нақ 4 килограмм келади. Шунинг учунми, бу китобни ўқиган оғиртабиат кишилар ҳам кулиб юборадилар. Унда Габрово-нинг энг машҳур шеърлари ҳамда ичакузди мақоллари ўрин олган. Китобни ишлаган азамат Ангел Костов шу йўл билан кулги матнларни темир бетларга битиб қўйган.

Саёҳатчи китоб

Китобни қайтариб беришни «унутиб қўйиш» ҳам кўп қадимий ҳийлалардан саналар экан. Маълум бўлишича, 1764 йили Гарвард университетидан олинган «Британиянинг тўлиқ тарихи» номли китоб ҳам қайтиб берилмаган. Энг қизиғи, роппа-роса 232 йилдан сўнг яъни 1996 йили бебаҳо асар омон-эсон кутубхонага йўл олди. Ўқувчи уни ўйининг тўрида сақлаган бўлса керакда. Бироқ, қўлёзмалар бўлимининг мудири Р. Стоддард беҳад хурсандлигидан ташрифчининг кимлигини сўрашни унутиб қўйган.

Ойбек ҲАКИМОВ.

Muammo, mulohaza, taklif

Амир Темур замонида мамлакатдан китоб олиб чиқиб кетиш ман этилган

●

Хорижда кутубхона хизмати қандай?

●

Сандал дарахти ёғочидан ясалган махсус қутилар

●

Кутубхоначилик муаммолари

МАЪНАВИЯТ КОШОНАСИ

Одамзод яратган мўъжизаларнинг мўъжизаси китобдир. Бинобарин, китоб инсоният ижодиётининг чинакам ҳайратланарли ва эътиборга лойиқ белгисидир. Китобларда кечмиш замонларнинг ақлидроки яшайди.

Инсоният яратган, қайта-қайта ўйлаб кўрган ва у эришган нарсаларнинг бари — худди сеҳрли сандиқдай китоблар саҳифаларида сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам ота-буваларимиз фаолиятида китоб тўплаш ва кутубхона очиш асосий ўрин эгаллайди. Тарихдаги қайси одил ҳукмдор ёки жаҳонгирни эсламайлик, улар маънавият-маърифатнинг маскани — кутубхоналарга алоҳида эътибор беришганининг гувоҳи бўламиз.

Бой кутубхоналарга эга бўлган давлатларда мутафаккирлар етишиб чиққан. Искандар Зулқарнайнинг жаҳонгир бўлиши учун устози Арастунинг хизмати қанча бўлса, Румда туриб бутун дунё сирларини билган Арастунинг донишманд даражасига етишишида унга босиб олган юртларидан китобларни юбориб турган шогирди Искандарнинг хизмати ҳам улкан. Ибн Сино давригача ҳам Бухорода оламга донғи кетган, кейинчалик ёнгинга учраган кутубхона бўлганлиги тарихдан маълум. Амир Темурнинг ҳар икки хазинасидан бири — кутубхонаси ҳисобланган.

Буюк соҳибқирон даврида Самарқанд шаҳридан китоб олиб чиқиб кетиш ман этилган. Китоблар тенгсиз бойлик сифатида қўриқланган. Бундай маънавий муҳит ва маърифат хазинасининг меваси сифатида ундан кейин ўтган Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Али Қушчи каби юртимизнинг жаҳон маърифати учоғига айлантирган юзлаб-минглаб алломаларимизни биламиз.

Ҳазрати Алишер Навоий китобат санъати тарихида ўзига хос даврни бошлаб берди. Унинг бевосита қўмаги билан Беҳзод, Султон Али Машҳарий, шоҳ Музаффар каби ўнлаб китобат санъатида моҳир ҳаттот, даввох, мусаввирлар ҳар бир қўлёзма асосига нафислик билан нақшу нигор чизганлар. Буюк бобоколонларимиз китоб яратиш билан бирга уларни авайлаб-асраш борасида ҳам ўрнак кўрсатган. Китоблар махсус жойларда сақланган. Унинг устидан ҳатлаш, нопок қўлга олиш гуноҳи азим ҳисобланган.

Шундай қилиб Оврупадаги кўпгина мамлакатларда ёзма адабиёт шаклланмаган бир пайтда қадимги туркий халқлар ажойиб асарлар яратиб, кутубхоналар бунёд этганлар. Дунедаги энг дастлабки кутубхоналардан бири ҳам эрамизнинг III асрида Хоразмда пайдо бўлганлиги тарихдан маълум. Хўш, маънавият-маърифатга шахсан Президентимиз томонидан катта ғамхўрлик кўрсатилаётган, уни юксакликка кўтариш учун махсус фармонлар (1996 йил 9 сентябрь, 1996 йил 27 сентябрь) қабул этилган бир пайтда жумҳуриятимиз кутубхоналарида аҳвол қандай? Мазкур фармонлар юзасидан мавжуд кутубхоналар фаолиятида ижобий силжишлар юз бермоқдами? Мутасадди ташкилот раҳбарларининг бу борадаги саҳийликлари қай аҳволда?

Кутубхоналар заҳирасидаги адабиётлардан кўнгил тўладими? Мустақил Ўзбекистон аҳли, хусусан ёш авлод ундан қандай фойдаланмоқда?

«Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг ҳал қилувчи омилидир», — дейилади Ўзбекистон Президентининг «Маънавият-маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида. Дарҳақиқат, бу вазифаларни уддалаш ишини кутубхоналар фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Бугун ҳеч кимга сир эмас, жумҳуриятимиздаги китобхонлик даражаси кўнгилни тўлдирмайди. Кутубхоналар йилдан-йилга ўз уқувчиларини йўқотиб бормоқда. Нега шундай, деган табиий савол пайдо бўлади. Дарҳол бунга асосий сабаб «бозор иқтисодиёти» деб тушунтирамиз. Аслида зиёхоналар фаолиятида юзага келган салбий ҳолатлар, тажрибали ходимларимизнинг ўз иш жойларини тарк этиб бораётганлиги, билимдон, ўз ишига садоқатли, ўт-юракли фидойиларимизнинг ноёблигидир. Кутубхоналарнинг маромли фаолият кўрсатиши учун заҳиралар эҳтиёж даражасида эмас. Жумҳуриятимизда махсус мослама бинолар билан таъминланган кутубхоналар сони ниҳоятда кам. Маънавият хазинасининг асосий қисми қишлоқларда жойлашган бўлиб, уларнинг аксарияти кичкина, зах, ноқулай биноларга жойлаштирилган. Улар иситиш ва совутиш ускуналарига эга эмас, энг оддий техник воситалар билан ҳам таъминланмаган. **Ҳатто, Ўзбекистоннинг фахри бўлган Алишер Навоий номли Жумҳурият Миллий кутубхонасини тилга олайлик. Мазкур китоблар хазинасидаги энг асосий муаммо — жой танқислиги. Шу сабабли китобхонларга хизмат кўрсатишда қатор қийинчиликлар юзага келган. Кутубхона хизмати ниҳоятда ибтидоий усулда.** Уни замон талаблари даражасига кўтариш учун зарур чора — тадбирлар белгиламоқ керак. Ҳозирда америкалик оддий китобхон Америка кутубхонасида туриб, сунъий йўлдош орқали ер юзидаги тараққий этган мамлакатларнинг маърифат хоналари билан алоқа боғлаб, 15-20 дақиқа ичида истаган маълумотни олиш имконига эга. Японияда китобхонларга қайси муаллифнинг асари керак бўлса, унинг исми компьютерга терилса бас, аппарат экранида у ёзган китоблар руйхати кўринади. 1989 йили Парижда «Медиатека» (умумий майдони 3,5 минг кв.м.) кутубхонаси очилди! Кутубхона асосан кино, видео-диск ва кассеталар билан хизмат кўрсатади. Тўғри, тилга олинган давлатлар шу даражага етишиш учун юз йилдан кўпроқ илмий-техник тараққиёт йўлини босиб ўтган. Шунинг учун ҳам биз кутубхоналар фаолиятида бугунок юқоридаги сифатларни кўришни эмас, балким энг оддий—эришса бўладиган истакларни айтмоқчимиз. Жумладан, кутубхоналардаги даврий нашрларни ўз вақтида муқовалашни амалга ошириш лозим. Ўқув хоналаридаги (қироатхонадаги) замонавий техник воситалардан фойдаланиш керак. Зиёхоналар фаолиятини замон талаблари даражасига кўтаришда энг асосий омил унинг заҳирасидир. Аммо бу борада ҳам муаммолар қатор. Жумҳуриятимиздаги мавжуд кутубхоналардан айримлари китоб заҳирасининг ўзагини ташкил этувчи адабиётлар билан тўлиқ таъминланмаган. Натижада кўп зиёхоналарда маромли китобхонлик хизмати ташкил этиш шароити мавжуд эмас. Масалан, кутубхонанинг китобхонга маромли хизмат кўрсатиши учун ҳар қандай болалар кутубхонасида 7—8 ёшли болаларга мўлжалланган бадиий адабиёт 98-99 фоизни, 12-17 ёшлилар учун 65-70 фоизни ташкил этиши керак. Таассуфки, бундай таъриф ва кам эътибор берилди. Натижада, мустабид сиёсат ўқув сурган даврда миллий адабиётга бўлган эҳтиёж 20-35 фоизга қондирилди. Бундай ҳолат кутубхоналар заҳирасини тўлдиришга ва китобхонликни ривожлантиришга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

1992 йил маълумотларига кўра грузинларнинг 51,1, русларнинг 42, молдованларнинг 36,9 фоизи доимий китоб мутолаа қилган ҳолда, бизда бу кўрсаткич 25,6 фоизни ташкил қилган, холос. Узбек қишлоқларидаги аҳвол эса бундан ҳам аянчли! Яъни 18,8 фоиздан ошмаган. Узоқ йиллар миллий тилдаги болалар адабиётлари нашрига ҳам эътибор қилинмаган. Жумладан, 1991 йилда қичкинтойларнинг маънавий дунёсини бойитиш учун ҳар бир бола бошига Болтиқ бўйида 7-9, Украина ва Белоруссияда 5-6, Кавказортида 5 тадан китоб тўғри келган бўлса, бизда биттадан китоб тўғри келган, холос.

Маълумки, ҳар қандай соҳанинг ривожи мутахассислар савияси ва фидойилигига кўп ҳолларда боғлиқ. Хусусан, зиёхоналарда ҳам ишни тўғри ташкил этиш ва хизмат самарадорлигини ошириш асосан кутубхоначиларга боғлиқ. Аммо мамлакатимиз маърифатхоналаридаги мутахассислар аҳволи ҳам кунгилга тасалли бермайди. Зиёхоналарда мутахассислар қунимсизлиги ҳамон ўкм сурмоқда. Бунинг энг асосий сабаби кутубхоналарда рағбат йўқлигидир. Ҳаётнинг сабоғи шуки, қаерда рағбат бўлмаса, у жойда жўшқинлик ҳам бўлмайди. Зеро, ҳар қандай маънавий усиш иқтисодий ривожланишдан қувват олгандагина истиқболли бўлиши мумкин.

Афсуски, ҳозирда жумҳуриятимиз зиёхона ходимларининг маънавий усиши билан уларнинг иқтисодий аҳволи ўртасида катта узилиш сезилмоқда. Шуни тан олиш лозимки, Ўзбекистонда кутубхоначиликнинг иқтисодий жараёнларини изчил ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган мукаммал илмий-тадқиқот ишлари қилинган, деб айтолмаймиз.

Ходимларга маош тўлашда ҳам уйлаб кўрилиши зарур бўлган жиҳатлар йўқ эмас, имтиёзлар жорий этилмоғи лозим. Бундай қўшимча ҳақ китоб сақлаш, унга ишлов бериш ва умуман, бугун иш жараёнлари китоб титкилаш билан боғлиқ ходимларга нисбатан юқори кўрсаткичда бўлиши керак.

Ходимлар қунимсизлиги муаммосининг ҳал этилиши учун кўп жиҳатдан мутахассислар тайёрлашнинг илмий асосланганлик даражасининг қай аҳволда эканлигига ҳам боғлиқ. Шуни унутмаслигимиз керакки, ёшларни кутубхоначилик касбига йўналтиришни илмий ташкил этиш ўз мазмун, моҳиятига кўра нафақат ижтимоий, балки иқтисодий давлат аҳамиятига молик муаммодир.

Кутубхоначилар тайёрлаш ва уни мамлакатимиз аҳолисининг демографик ҳолати билан (маълум ҳудудлар асосида) боғлиқ жиҳатлар изчиллик билан ўрганилгани йўқ. Узоқ йиллик кузатишларимиз натижасида тўлиқ ишонч ҳосил қилдикки, кутубхоначи дипломини олаётган ёшлардан мазкур касбга бўлган мойиллик ва заруриятдан кўра имконият ҳолати асосий ўрин тутади. Натижада мазкур соҳа бўйича маданият институтини тамомлаганларнинг кўпчилиги тегишли жойларда фаолият кўрсатмайдилар. Кутубхоначилик касбини ташлаш билан боғлиқ бўлган бундай салбий ҳодисаларга чек қўйиш тўғрисида чуқурроқ ўйлайдиган вақт келмадимикан? Сир эмаски, болалар, хусусан, катталар ичида ҳам китоб танлаш илмидан бехабарлар кўп. Қолаверса, ҳозирда ёзилган ва битилаётган адабиётлар шу қадар кўпайиб кетдики, қадимда бобокалонларимиз китоб топишда қийналган бўлсалар, биз китоб танлашга қийналамиз. Катта кутубхоналар болаларга ниманидир ўргатишдан кўра уни паришон қилиши аниқ. Шундай экан, азиз болажонларимизда китоб топиш, танлаш билимини ёшлигиданоқ шакллантиришга эришмоғимиз лозим. Шу маънода «Кутубхона, библиография ва ахборот олиш» фанини ўқитиш самарадорлигини ошириш лозим. Бунинг учун эса «Кутубхоначи-педагог» мутахассислари тайёрлашни бошламоқ керак. Бундай мутахассислар мактаб, ҳунар-техника билим юрти ва олий ўқув юртларида фаолият кўрсатишлари мумкин. Мустақил жумҳуриятимиздаги йирик кутубхоналарнинг халқаро фаолиятлари учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Жумладан, республика илмий-техника кутубхонаси халқаро китоб айирбошлаш ташкилотининг аъзоси сифатида фаолият кўрсатаётганлиги ўта қувонарлидир. Мазкур кутубхона жаҳонининг 9 мамлакатидаги 20 га яқин ташкилот билан яқин алоқалар боғлаган. Жорий йилда зиё масканига Германия, Япония, Хитой, Бразилия, Болгария каби ўнлаб давлатлардан турли адабиётлар олиш режалаштирилган. Бундай ҳолат хорижий тилларни мукаммал биладиган кутубхоначи-библиографлар тайёрлашни ҳам кун тартибига қўйиши табиий.

Китоб, кутубхоналар ҳақида сўз борганда Шарқшунослик, Қўлёзмалар илмий-текшириш масканларининг махсус хазиналари ва ундаги минглаб нодир, бебаҳо маърифий бойлигимиз хусусида гапирмай илож йўқ. Олимларимизнинг хулосасига кўра мазкур даргоҳларда шу маҳалгача давом этган маромда ишланса, маърифий меросимизни илмий ўрганиш ва нашр этишга бир неча минг йиллар керак бўларкан. Тадқиқотчиларимиз бугун шундан изтиробдаким, бу дурдоналарни ўқиш йилдан-йилга қийинлашмоқда. Сабаб — боболар меросини асрашдаги нўноқлигимиз. Бу фалокатнинг олдини олмоққа шошилмоқ керак. Бунинг учун махсус (ҳарорати ўзгармайдиган) кутубхона биноларини қуриш, микрофильмлар фондини тузиш шарт. «Кимки авлодлар яратган маънавий бойликларни билмаса, уларни қадрлай олмаса, демак у нафосатдан бебаҳра яшаган», деган эди буюк фойласуф. Буни тўғри ҳис қилган мамлакатларда қўлёзмаларни асраш ҳам ҳавас қилгудек. Жумладан, Арманистондаги жаҳонга машҳур Матандаранда — қўлёзмалар қасрида ҳар бир қўлёзма сандал дарахти ёғочидан ясалган махсус қутиларда сақланади.

Шуни алоҳида эътироф қилмоқчимизки, бизнинг юқоридаги айрим хусусий қарашларимиз Ўзбекистонда кутубхоначилик соҳасида амалга оширилган ишларга соя сололмайди. Лекин шуни ҳам унутмайликки, ҳеч ким ўлган кишини тепмаганидек, арзимас хатоларга эътироз ҳам билдирмайди. Мазкур мақолада айрим кутубхоналардаги аянчли ҳолатларни аниқ сонли кўрсаткичлар, далиллар билан асослашдан ўзимизни тийдик. Сабаби мутасадди раҳбарларнинг тўқмоғи тилга олинган зиёхона ходимларининг бошига тушишини истамадик. Хўш, Мустақил Ўзбекистоннинг маърифат хазиналарини ривожлантириш, уни лоқайдликдан асраш учун нима қилиш лозим? Бизнингча, қуйидаги таклифлар фойдадан ҳоли бўлмаса керак:

— Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида «Кутубхона ва китоб хизмати» бош бошқармасини ташкил этиш;

— «Ўзбекистонда кутубхоналар фаолиятни шакллантириш ва хизмат самарадорлигини ошириш» мақсадида узоқ йилларга мўлжалланган дастурни яратиш ишини тезлатиш;

— Ўзбекистон Фанлар Академияси, Қўлёзмалар, Шарқшунослик, илмий-текшириш масканларидаги, шунингдек, Алишер Навоий кутубхонасидаги қўлёзма асарларни микрофильмлаштириш;

— Ўзбекистонда кутубхона тармоқлари жойлашишини (дислокациясини) қайта кўриб чиқиш;

— китоб заҳирасини диспозитор сақлашни такомиллаштириш;

— мамлакатимизда нашриёт, кутубхоначилик, ахборот фаолиятини тизим тарзида қайд этиш ва шу маз-мунда мамлакатдаги барча кутубхоналарни типи, қайси идорага ёки корхонага тегишлилигидан қатъи назар, ягона, яхлит бир тизим деб қараш;

— республикадаги мавжуд оммавий кутубхоналарга илмий-услубий хизмат кўрсатиш ишларини такомиллаштириш;

— Ўзбекистон Марказий Давлат болалар кутубхонасининг янги мақоми тўғрисида «Низом»ни яратишдан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш;

— кутубхонашунослик, библиография, китоб тарихи, ахборот хизмати соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини марказлаштириш.

Умуман, Ўзбекистонда кутубхоналар фаолиятни замон талаблари даражасига кўтариш борасида мамлакатимиз Президенти томонидан барча имкониятлар яратилди. Президентнинг «Маънавият ва маърифат» маркази, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси тўғрисида қабул қилган Фармонлари маънавият ва маърифат, хусусан зиёхоналарга бўлган эътиборнинг далилидир. Энди кутубхоначилик соҳаси шижоаткорликни, ташаббускорликни ва ўтюракли бўлишни талаб этмоқда.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи.
Абдуғаффор ҚИРҒИЗБОЕВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректори.
Муҳаммаджон АҲМЕДОВ,
«Амир Темур Халқаро илмий экспедицияси» матбуот маркази бошлиғи.

Oltin yoz — o'tmoqda soz

ОРОМГОҲ ҚУЧОҒИДА

Пойтахтнинг Акмал Икромов тумани Чўпонота даҳасидаги истироҳат боғи ёнида ажиб бир маскан — «Трамвайчи» болалар оромгоҳи жойлашган. Сершовқин, иссиқ кўчалардан соясалқин оромгоҳ бағрига киришингиз билан танангиз яйраб, кайфиятингиз кўтарилади.

«Тошшаҳарйўловчитранс» бошқармасига қарашли «Трамвайчи» оромгоҳида тарбиявий тадбирлар намунали йўлга қўйилган. Биринчи босқичда 400 бола мазмунли дам олган бўлса, иккинчи босқичда 412 нафар ўқувчи мароқли дам олмоқда. Оромгоҳ раҳбари Абдунаби Турақулов болажонларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитни муҳайё қилиш учун имкон қадар жонбозлик қилаётир. Тажрибали педагог Лола Абдулазизова бош етакчи вазифасини бажараётир. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун турли кўнгилочар тадбирлар амалга оширилмоқда. Болаларнинг маънавий оламини бойитадиган мароқли суҳбат, танловлар ўтказилмоқда. «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Мустақил диёр», «Эртаклар оламига саёҳат» ва турли спорт ўйинлари шулар жумласидандир.

Оромгоҳда соғломлаштиришга оид тадбирларнинг қизиқарли ўтишига алоҳида эътибор берилади. Бунинг учун спорт майдончалари, сув ҳавзаси мунтазам ишлаб турибди. Зулайҳо Ҳасанова, Ойдин Саидғозиева, Ҳодия Бобоёрова, Марат Саидгазин сингари тажрибали тарбиячилар болаларга намунали хизмат кўрсатмоқдалар.

Дилбар ЖУМАЕВА.

БОҒЧАДА СПОРТ БАЙРАМИ

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 233 — «Мойчечак» болалар боғчасида «Соғ танда — соғлом ақл» шиори остида катта тантана — «Соғломжон — полвонжон» спорт байрами ўтказилди.

— Азиз меҳмонлар, қоракўз кичкинтойлар! — деди байрам бошқарувчиси, болалар боғчаси услубчиси Ҳамида Қурбонова. — Жажжи болажонлар масканида ўтказилаётган «Соғломжон — полвонжон» спорт байрамига хуш келибсиз. Мазкур спартакиадада тумандаги 28, 190, 233, 269, 551-болалар боғчаларининг жажжи тарбияланувчилари иштирок этяптилар. Мусобақани ўтказишдан мақсадимиз, дилбандларимизни чаққон, бақувват, соғлом этиб тарбиялаш.

Шундан сўнг саҳнага Хўжа Насриддин қўшиқ айтиб, Ҳожи Муқом, Гайка, Ниньзия, Леопольд сингари эртаклар оламидаги дўстлари билан ташриф буюради. Ҳар бир эртак қаҳрамони болалар гуруҳи билан биргаликда тош кўтариш, каратэ, гимнастика, миллий кураш, велосипедчилар паради каби спорт турларини намойиш дилар.

Мусобақада «Учрашув эстафетаси», миллий ўйинлардан «Қирқ тош», «Она товуқ, ота хўроз ва бўрилар» «Сардорлар баҳслашуви» ўйинлари бўлди. Тантанада иштирок этган спортнинг жажжи ихлосмандларига эсдалик совғалари берилди.

Мазкур анжуман меҳмонлар, ота-оналар, болалар боғчалари мудиралари ва тарбиячиларида катта таассурот қолдирди.

МУХБИРИМИЗ.

Maktabgacha tarbiya muassasalarida

Бола кўнглида кўз очган иштиёқ булоғининг қайнаб тошиши, ундан санъат ва гўзаллик ғунчаларининг гуллаши тарбиячи устозларга боғлиқ. С. Раҳимов туманидаги 269-болалар боғчасидаги машғулотлар ҳам болалар учун севимли ўйинга айланган. Суратларда мусиқа тарбиячиси Гулнора Султонхўжаеванинг машғулоти ҳамда тошларга ранг бераётган болалар тасвири акс этган.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Aks sado

ЎҚИТУВЧИЛИК — ИҚТИДОРИ БОР КИШИЛАРНИНГ ИШИ

Узбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳкам Раҳмоновнинг яқинда «Маърифат» газетасида босилган «Миллий дастурда муаллим ўрни» мақоласини ўқиб чиқдим. Куюнчаклик билан ёзилган бу мақола сизу бизни мунозарага чорлаб турибди. Шу боис мен ҳам ўз фикрларимни ўртоқлашмоқчиман.

Ватан маърифатсизлар билан юксалмайди, маънавий қашшоқлик турмушни зангалатади. Советлар даврида бизга «раҳнамо» миллатга илми наридан бери, кетмончилар сулоласи керак эди. Шу сабаб ҳам, шўро мактаблари ва олий ўқув юртларида бериладиган таълим ҳаётдан узоқ; ҳақиқий турмуш тарзини ўргатмайдиган ўқув тизими эди. Бу ўқув тизими ҳаётда ўзини оқламади, болалар ва талабаларни чаламуллаликка етаклагани бугун ошкор бўлиб қолди.

Тажрибалардан шу маълумки, биринчи синфга қабул қилинган болаларни 10 — 11-синфларга қадар бир қолип, бир хил тартиб, бир хил талаб билан ўқита бошлаймиз. Биз қўл остимиздаги ўқувчимизнинг қобилиятини, иқтидорини вақтида аниқлашимиз ва уни ўзи қизиқтирган йўналишга буришимиз керак. Ҳаммага бир хил талаб ва барча фанни «беш»га ўзлаштиришга мажбур қилиш бу педагогика ва психологияга зид ҳолдир.

Мактабда барча фанларни бешга ўзлаштирадиган болалар саноқли албатта. Шу боис ҳам айрим болаларга сўрамай уч қўйиб синфдан-синфга кўчириб қўйиш ҳоллари кўп учрарди. Ўқитувчи дарсни ва асабини бузгиси келмасди. Узоқ йиллар ўқитадиган фанларимизнинг кўплари ўқувчига нима беради? Тилни ўрганмоқ керак, аммо қайси томонини ўрганмоқ ўта зарур. Йиллар давомида бошимизни қотирган ўша инжиқ қоидалар, бизга ҳаётда нима берди? Қандай ўқиган бўлсак шундай синфда қолиб кетмадими? Математика ўқиб юзани тополмасак, физика ўқиб бир учириб-ёқадиганни тузата олмасак, қуруқ қоида ва ҳаётдан узоқлик кимга керак? Шу сабаб ҳам мактабни тугатиб чиққан ўғил-қизлар қўлидан ҳеч нарса келмайди. Қани 10—11 йиллик сабоқ, таълим? Ўша давр қусурлари бугун кўпчиликни қийнамаяптими?

Фикр-эътиборимча, келажак мактаблари уч йўналишда бўлмоғи мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. (Бу менинг шахсий фикрим).

Бошланғич мактаблар 4 ёки 5-синфларгача, бу борада болалар сараланади. Ким илм, ким ҳунар эгаси булади. Шундан сўнг иқтидорли болалар мактаблари ва ҳунар мактабларига йўналтирмоқ зарур, токим болалар ўзлари қизиққан соҳаларининг ҳақиқий эгалари бўлиб чиқсинлар.

Бунинг учун ўқитувчи қандай бўлмоғи керак? Ўқитувчи бугуннинг талабига жавоб бера оладиган, билимдон, ута маҳорат эгаси бўлмоғи шарт. Шу сабаб ҳам ўқитувчилик — иқтидори бор кишиларнинг иши. Утган даврларда қассоб ҳам, сартарош ҳам, этикдўз ҳам... иши касод бўлса, мактабга жойлашиб олиб «дарс» бериб кетаверди. Ҳозирги ўқитувчиларнинг ҳам кўпчилиги, тўғриси, ўз устларида ишламай қўйганлар. Буни малака ошириш институтларига ўқишга келган айрим ўқитувчилар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Урни келганда, яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ҳаётий тажрибалари етарли бўлган, билими кенг кўпгина нафақа ёшидаги ўқитувчилар мактаблардан четлашмоқда. Эркак ўқитувчилар мактабларни ташлаб кетмоқдалар. Бу, албатта, салбий ҳолатни юзага келтиради. Ҳозир кўп мактаблар тажрибасиз ёшлар қўлида. Ахир мактабда келажак, мамлакат тақдири камол топади.

Ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишига эътиборни кучайтирмоқ, шу билан бирга ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари фаолиятларини тубдан янгилаш ва моддий қувватини оширмоқ муҳимдир. У ўқитувчини ҳар томонлама пухта тайёрлаб чиқарадиган улуғ масканга айлантирилмоғи керак. Ҳозир кўпгина малака ошириш институтларини кафедралаштиришга юқори ва қуйи раҳбарлар ўринсиз қизиқишмоқда.

Маблағ тежаш шиорлари уларни ухлатмаяпти. Оловни кам ёқиш билан шовла пишириб бўлмайди. Ташкил этилган кафедраларда «илмий иш», «илмий маърузалар», «илмий ҳисоботлар» каби илмийликка зўр бериш ҳоллари кучайди. Узоқ-яқиндан не-не машаққатлар билан курсларга тортилган муаллимлар учун яна ўша аудиторияларда эшитган илмий маърузалар керакми, ё ўша мавзуларни қандай қилса болага тез етиб борадиган методик янгилик, йўл-йўриқлар зарурми? Албатта, назария билан методика боғланганда ҳосила мўл бўлади, лекин ўқитувчига биринчи ўринда методик ёрдам керак. Шу боис ҳам малака ошириш институтлари методик марказга айлантирилмоғи шарт ва унда метод усталари ишламоқлари керак.

Республикамизда миллий дастур ва миллий дарсликлар яратиш йўлида астойдил бел боғланган бўлса, ўйлаймизки, таълимимизда етилиб турган муаммолар ўз ечимини топажак.

Баҳром МАҲМУД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

Ko'ngil bitiklari

СОҒИНГАНДА

Куз келмоқда, кузак келмоқда
Эшигимни қоқиб бетиним.
Юрагимни соғинч тилмоқда,
Кўзларимга ёш келар лим-лим.

Совуқ елнинг совуқ кафтида
Шалдирайди-сарғайган барглар.
Дарахтларнинг бўйига боқиб,
Янгиланар қалбдаги дардлар.

Бу поёнли табаррук ерда
Ҳар нарсанинг бор экан чеки.
Ғуссалардан хам бўлар бошим,
Сен қолдирган ғамларни чекиб.

Денгизларнинг қирғоғи бордур,
Осмони бор, кўнгли тўқ экан.
Лек дунёда азиз Онажон,
Соғинчларнинг чеки йўқ экан.

ОНАЖОН

Тилларимга бир куй қуйилди,
Наволарга тўлди ер, осмон.
Энг суюкли қўшиғимни мен,
Ҳали, айтолмадим, Онажон.

Юрагимда атиргул ўсди,
Кўзимгача бўй чўзди шодон.
Ҳеч кимсага атиргулимни,
Ҳали тутмагандим, Онажон.

Дарахтларнинг гуллади қалби,
Тоғлар қўйни яшнади чунон.
Мен ҳам дилдан ҳеч йўқса бир бор,
Бир бор гулламадим, Онажон!

* * *

Ухлоқ кўзларимга дард бергил Олло,
Уйғотиб юборсин минглаб нигоҳни.
Кулоғимни қўйиб ойнинг кўксига,
Эшитиб қолдим мен кучли бир Оҳни.

Ким айтади сенинг бағринг тош, дея,
Шунчалар мунисан, шунчалар дилбар,
Тўлиб турган ойнинг оғзига қаранг,
О-зод-ли-ик деётган Одамга ўхшар.

* * *

Мен унутиб қўйдим гуллар исини,
Рангларни ҳам узоқ унутиб қўйдим.
Мана шу дунё, деб қароқларимга,
Совуқ тошгулларнинг расмини ўйдим.
Бир хароб кулбанинг остонасига,
Чумолилар исмим кўмиб қўйдилар.
Ортиқ тополмадим Дилоромимни,
Улар қоши билан мени сўйдилар.
Неча йил яшадим шундай, билмадим,
Нечалар ўлди, деб кўнглим гашлади.
Мен ўлган эмасман, қўлимга қаранг,
Мана, бармоқларим гуллай бошлади.

Дилором ИСМОИЛОВА.

ҲАЁТ

Ҳаёт! Наволаринг қанотида мен
Кезаман дунёни ўйноқи елдек.
Куйлайман, куйлайман садоқат, бахтни,
Мафтункор, сайроқи жажжи булбулдек.

Ҳаёт! Уммонларинг ичра ивирсиб,
Йиғиб олмоқдаман нуқул дурларни.
Ҳаёт! Эҳсонингга минг-минг ташаккур
Менга йўлдош этдинг қалби қўрларни!

Ҳаёт! Тўлқинларинг ичра ғарқ бўлиб,
Довуллар қўйнида чарх урояпман,
Ақлим танибманки, кўҳна дунёни
Фақат курашларда кўраяпман.

Ҳаёт! Сенга тўймай-тўймай боқаман,
Тўёлмай қолишим шундай ҳам аён,
Шунданми, хўп қисқа умр йўлида
Сени ўзгартирмоқ бўлади инсон.

КЎЗЛАРИМНИНГ НУРИ БЎЛ

Дилингни қоплади қандайдир туйғу
Баҳор сабосидай кезмоқ истайсан?
Қай бир уфқларни айладинг орзу,
Тўлқинлар кафтида сузмоқ истайсан.

Баъзан қанот қоқиб, учиб самога
Кўкда юлдуз бўлиб ёнмоқ тилагинг.
Қўрқаман, юлдуздай эҳтироссизу
Тошдай совуқ бўлиб қолса юрагинг.

Дўстим, парвозингга тилакдошман мен,
Майли, орзуларинг бўлсинлар қанот.
Чексиз фазоларда сайр этгин, фақат
Ёдингдан чиқмасин шу жўшқин ҳаёт.

БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ДЎСТИ

Тоғларни қўмсайди бу юрак,
Дилим ғаш, шаҳарга сиғмайман.
Қоялар бағридан саргардон
ОҲУЖОН, мен сени излайман —
Ғамгин кўзларингга термулмоқ учун...

Сен каби маъюсдир кўкдаги ҳилол,
Мен каби саргардон кезади шамол.
Етти қат осмондан термулар висол,
ОҲУЖОН, мен сени излайман —
ДЎСТЛИК қаршисида тиз чўкмоқ учун.

ПОКЛИКНИ асра, деб ҲАҚҚа сиғиндим,
Дардли кўзларингни жуда соғиндим,
ОҲУЖОН, мен сени шеъримга солдим —
Болалик дўстингман, шаддод тоғ қизи,
Тоғлар, айтинг, қани ОҲУМНИНГ изи?!

БЕҒУБОР ДУНЁМГА қайтмоқ истайман...

Мавлуда МИРСАИДОВА,
Ургут шаҳридаги 86-мактаб ўқитувчиси.

ЖАРОҲАТ
(Ҳикоя)

Синф хоналарида дарс бўлаяпти. Бўш бўлганим учун олма дарахтининг соясида янги газеталарни ўқиб ўтирган эдим. Шу пайт мактаб ҳовлисига ўн беш чоғли қизчалар, болалар кириб келишди. Улар ниманидир маслаҳатлашиб ярми ўнг томондаги, ярми чап томондаги хоналарнинг очиқ деразаларидан ичкарига мўралашар, чамамда, кимнидир қидиришарди. Уларни чақирдим. Кўзларини деразалардан узмаган ҳолда ёнимга келишди. Қаердан келганларини, нима қилиб юрганларини сўрадим.

— Маҳбуб, Маҳбуба деган синфдошимиз шу ерда ўқийди, кўргани келдик, — деди бир шаддодроқ қиз.

Болалар ўн чақиримча узоқдаги қишлоқдан экан. Йўлни яқин қилиш мақсадида дала оралаб келишгани билиниб турибди. Иссиқдан терлаб кетишган, оёқ кийимлари ҳам лой, чанг. Ҳа, мен бу Маҳбуба исмли қизни танийман. Олтинчи синфда ўқийди. Бизнинг мактабга келганига уч ойча бўлган.

Деразадан кўриб қолган бўлса керак, Маҳбуба мактаб эшигидан ўқдек отилиб чиқди-да, ўзини дугоналари қучоғига отди. Барчаси билан бирма-бир қулоқлашиб кўришар, юз-кўзларидан ўпар эди. Бир неча ўн йиллик ҳижрондан кейин кўришгандек ҳаммаси Маҳбубани ўртага олиб йиғлашарди. Маҳбуба келмаган синфдошларини, ўқитувчиларини номма-ном сўраб чиқди.

— Биз сени олиб кетгани келдик. Сен йўқ, синфимиз пасайиб қолди. Бирга кетасанми, Маҳбуба? — деди бояги шаддод қиз.

Маҳбуба жавоб бериш ўрнига ерга қараб йиғлар, кўз ёшларини қўллари билан артар эди. Афсус... Минг афсус... у қадрдон мактабига, ўртоқлари қаторига боролмайди. Чунки онаси дадаси билан ажралишган.

Болаларнинг содда, беғубор суҳбатларини эшитиб, ҳаракатларини кузатиб таъсирланиб кетдим. Шу билан бирга жажжи юрақдаги катта жароҳатни ҳам англаб етдим. Маҳбуба нафақат ота меҳридан, балки дилкаш дугоналари қаторидан, беғубор, қувноқ болалигидан ҳам ажралган эди.

Қосимжон СОЛИЕВ,
Бешариқ туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси.

Sog'lom avlod uchun



Оролбўйида вужудга келган бугунги экологик вазият кўпчиликка яхши маълум. Аммо ҳукуматимиз бор имкониятларни ишга солиб, бу ерда яшаётган аҳоли саломатлигини сақлаш, турмуш тарзини яхшилашга катта эътибор бермоқда.

Баҳаво «Тошкент» денгизи бўйида жойлашган, майдони 12 гектарни ташкил этувчи «Меҳржон» болалар оромгоҳида 100 га яқин Оролбўйи болалари ва ўсмирларининг ёзги таътилда дам олишлари ҳам фикримизнинг исботидир.

Суратда: қорақалпоқ ёшлари.
Н. Муҳаммаджонов олган суратлар.

Xullas...

ЎРГАНИШНИНГ АЙБИ ЙЎҚ

Сўнгги пайтлар қалинқалин китоб, дафтар қўлтиқлаган мелиса кийимидаги кишиларни Минск кўчаларида тез-тез учратиш одат тусига айланди. Чунки Белоруссия Ички ишлар вазирлиги раҳбарлари ўз қўл остидагиларга республика Президенти томонидан чиқарилган барча қарор ва кўрсатмалар юзасидан... конспект қилиб боришни буюрганига анчагина вақт бўлиб қолди.

Бу нарса қонун посбонларининг сиёсий саводини ошириш билан бир қаторда ҳаётга чуқурроқ кириб боришини таъминлар экан...

КАМПИРЛАР СИМ ҚОҚДИ

Кўпчилигимиз кўп қаватли «дом»лар қаршисидаги ўриндиқларда кун бўйи ўзаро гап сотиб, ивирсиб ўтирадиган кампирларни кўп кўрганмиз. Очиқ гап, уларнинг бекорчилигидан, эзмалигидан айрим ҳолларда энсамиз қотган. Буни қарангки, бизнинг ғашимизга тегадиган ана шундай бир гуруҳ кампирлар ногоҳ катта бир жиноятнинг пайини қирқишди. Улар эндигина «миш—миш»ларни авж пардасига кўтарган бир пайтда қадрдон «дом»лари атрофида икки нотаниш нусха шубҳали-шубҳали айланиша бошлашди.

Кунда-шунда кампирлар бегоналарни дарҳол пайқашди ва ...ҳар эҳтимолга қарши мелисага сим қоқиб қўйишди. Буни қарангки, дарҳол етиб келган тезкор гуруҳ ходимлари қувончдан дўпписини осмонга отишди. Чунки улар кампирларнинг ҳушёрлиги туфайли анчадан бери қидирувда бўлган ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олишганди. Белгород шаҳар ички ишлари раҳбарияти сим қоққан кампирларга яхшигина совға-салом йўллашди.

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ МОЛ

дейишади халқимиз. Хўш, ёмон ниятчи? Вена шаҳрида яшовчи Лютц деган нусха мана, эллик йилки ҳокимлик, зўравонлик васвасасига йўлиққан. У қандай қилиб тарихда ўтган золим, шуҳратпараст шахслар сингари мартабага эришиш йўлларини изламоқда.

Бунинг учун Лютц унча-мунча чиқимдан ҳам қочмаяпти. Яқинда у баъзи бир ўта сирли идоралардан катта пул эвазига Наполеон Бонапартнинг махсус эсдаликлари асл нусхасини ва Гитлер идорасига тегишли баъзи бир ҳужжатларни сотиб олди...

...ana shunaqa gaplar

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази ўқитувчилар уйи ва оммавий тадбирлар ўтказиш бўлими бошлиғининг муовини М. Қосимовага турмуш ўртоғи Маҳсудхон ҚОСИМОВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, табииёт-география факультети жамоаси география фанлари номзоди, доцент Ҳусан МАЪСУДОВ бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент давлат университети ректорати, касаба уюшма кўмитаси ва фалсафа факультети жамоаси диншунослик кафедраси доценти Нуриддин ЭГАМБЕРДИЕВ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Sport

ШИФОКОРЛАР ХИЗМАТИ

«Нигерия» — «Марокко» учрашуви давомида футболнинг ашаддий ишқибозларидан 5 киши даволаниш учун касалхонага ётқизилди. Стадионнинг ўзида эса жами 129 шифокор мухлисларга тинимсиз тиббий ёрдам кўрсатиб туришди. Бунинг асосий сабаби ушбу учрашувнинг 45 даража иссиқ остида ўтказилганлигидадир.

ЯНА БИР РЕКОРД

Хитойлик 24 ёшли Ван Цзян Хой янги жаҳон рекордини ўрнатди. У 70 килограмм вазн тоифасида учинчи уринишда 163 килограммлик штангани кўтарди. Ван Атланта олимпиадасида ҳамюрти Чжан Хугана эришган натижа (162,5 кг)ни ярим килога янгилашга эришди.

МҲСК ЭРОНГА БОРМАС ЭМИШ

Футбол ишқибозларига яхши маълумки, олий лиганинг пешқадам жамоаси ҳисобланган МҲСК футболчилари Эрон Қуролли кучлар терма жамоалари ўртасида жаҳон чемпионатининг финал баҳсида Сурия, Греция ва Украина ҳарбийлари билан учрашишлари лозим эди. Лекин баъзи бир сабабларга кўра юртдошларимиз Эронга бормайдиган бўлишди.

МЕЗБОН БАРИБИР МЕЗБОНДА

Яқинда Навоий шаҳрида спортнинг парус тури бўйича навбатдаги мусобақа бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг энг кучли спортчилари иштирок этишди. Навоий қурилиш бошқармаси спортчилари 12 та совринли ўриндан ўнтасини қўлга киритиб биринчи ўринга сазовор бўлишди. Тошкент вилояти парусчиларига эса иккинчи ўрин насиб этди.

САФАРДА ЗАФАР ҚУЧИШДИ

Мексиканинг Акапуко шаҳрида спортнинг таэквандо тури бўйича ўтказилган мамлакат очиқ чемпионатида юртдошларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этишди. Жамоамиз бош мураббийси Александр Ким олтин медални қўлга киритди. 15 ёшли Рашид Аҳмедов ўз вазн тоифасида иккинчи ўрин соҳиби бўлди.

ҚУТЛОВ

Ҳурматли Дилмурот МУСАЕВ!

Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз! Сизга оилавий бахт, мустаҳкам соғлик, ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз!

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси.

МУНОСИБ АВЛОДЛАР

Қорақалпоқ халқининг буюк шоири Бердақ таваллудининг 170 йиллик юбилейига бағишлаб Қорақалпоғистон республикасидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида «Бойтерак» номли телевизион танлов ўтказилди. Бу тадбир талабалар учун чинакам синов бўлди.

Жумладан, навбатдаги телетанловда Элликқалъа тиббиёт билим юртининг «Шифокор», Беруний педагогика билим юртининг «Райҳон» жамоалари беллашиб, ўзаро билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Ғолиблик эса «Райҳон» жамоасига насиб этди.

Ғойиб ЁҚУБОВ.

ЭЪЛОНЛАР

«Геотехнопроцессы» илмий ишлаб чиқариш хусусий корхонаси тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

* * *

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг рус филологияси факультетини (Миллий мактабларда рус тили ихтисослиги бўйича) 1977 йилда тугатганларнинг учрашуви жорий йилнинг 23 августида ўтказилади. Учрашувга келувчиларни соат 12.00 да Самарқанд шаҳридаги «Афросиёб» меҳмонхонаси ҳовлисида кутамиз. Маълумот учун телефонлар: Тошкент (3712) 139-19-34, 139-47-38.

Futbol

ФРАНЦИЯ ТОМОН СЎНГГИ ДОВОН

Осиё саралаш гуруҳининг навбатдаги босқичида («Б» гуруҳида) Япония, Корея, Бирлашган Араб Амирликлари ҳамда Қозоғистон билан куч синашадиган мамлакатимиз терма командасининг имкониятлари қандай? Рақибларни тор-мор этиб, Франциягача бориш бизга насиб этадими? Худди шу муносабат билан футболимиз тараққиёти учун тер тўкиб меҳнат қилаётган Ўзбекистон терма комадасининг бош мураббийси Рустам Мирсодиқовга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

— Сўнгги босқичдаги рақибларингиз тўғрисида қандай маълумотларни биласиз?

— Қозоғистон футболи бизга илгаритдан маълум. Бугун ҳам улар билан алоқамиз бор. Куч ва имконият жиҳатидан қозоқ терма командаси Осиёда ўзига хос ўринни эгаллайди. Ҳозир қўлимда Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари футболчиларининг ҳам ўтган Осиё ўйинларидаги видеоёзувлари бор. Бироқ бу маълумотлар эскирди. Эндиликда иложи борича рақибларимизнинг учрашувларини бориб кузатишга тўғри келади.

— Қуръа натижаси сиз кутгандек бўлдими?

— Менимча, қуръа натижаси гуруҳимиздаги барча командалар учун енгиллик ярата олмади. Чунки орамизда кучсиз мамлакатлар йўқ. Шунинг учун ҳам рақиб танлашга ҳожат қолмади.

— Гуруҳ мусобақалари бошлангунча терма командамиз асосий ўйинчилар рўйхатига ўзгартириш киритиладими?

— Асосий рўйхатда ўзгаришлар бўлиши табиий. 24 августда Яман терма командаси билан ўйнаймиз. Маҳоратига қараб 19 кишини саралаб оламиз.

— Францияга боришга ишонасизми?

— Ҳамма нарса ишончдан бошланади. Бу гуруҳ учрашувларида тасодифдан умид қилмаган маъқул. Қисқаси, ўзимизни кўрсатиш, футбол мухлисларини қувонтириш учун имкониятимиз бор.

* * *

Жаҳон чемпионатига йўлланма берадиган «Б» саралаш гуруҳининг ўйинлар тартиби (сентябрь, октябрь, ноябрь, 1997 йил)

1. Корея — Қозоғистон — 6 сентябрь
2. Япония — Ўзбекистон — 6 сентябрь
3. Корея — Ўзбекистон — 12 сентябрь
4. БАА — Қозоғистон — 12 сентябрь
5. БАА — Япония — 19 сентябрь
6. Қозоғистон — Ўзбекистон — 20 сентябрь
7. Ўзбекистон — БАА — 27 сентябрь
8. Япония — Корея — 27 сентябрь
9. Қозоғистон — Япония — 4 октябрь
10. Корея — БАА — 4 октябрь
11. Қозоғистон — Корея — 11 октябрь
12. Ўзбекистон — Япония — 11 октябрь
13. Ўзбекистон — Корея — 18—19 октябрь
14. Қозоғистон — БАА — 18 октябрь
15. Япония — БАА — 25—26 октябрь
16. Ўзбекистон — Қозоғистон — 25 октябрь
17. БАА — Ўзбекистон — 2 ноябрь
18. Корея — Япония — 8 ноябрь
19. БАА — Корея — 9 ноябрь

(Ўзбекистон — Корея ҳамда Япония — Бирлашган Араб Амирликлари учрашувларининг вақти ўзгариши мумкин).

16 ноябрь куни 3 ва 4-ўринлар учун ўйин ўтказилади.

ШОҲЖАҲОН.

Yangi o'zbek alifbosini o'rganganlar uchun



YOZING VA O'QING

Aziz o'qyvchilar! Avval chizmadagi harflar va belgini egri chiziqlar yo'nalishi boyicha bo'sh aylanalarga yozish bilan mashqni hal eting. So'ng yozilgan harflarni soat yo'nalishida o'qing. Undan ulug' mutafakkir, shoir Alisher Navoiy hikmatlaridan birini bilib olasiz.

Foziljon ORIPOV tuzgan.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Дилбар ХЎЖАЕВА, Норали ОЧИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6